

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСРОИЛОВА ДИЛДОРА МУХТОРОВНА

НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ
ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИКДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
ИНГЛИЗ ТИЛИГА ЎҚИТИШ
(Технология факультети мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Исроилова Дилдора Мухторовна

Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (технология факультети мисолида)..... 3

Исроилова Дилдора Мухторовна

Профессионально ориентированное обучение студентов английскому языку с учётом межпредметных связей в нефилологических вузах (на примере технологического факультета)..... 27

Isroilova Dildora Muhtorovna

Professionally Oriented Teaching Students into English Considering Interdisciplinary Connections in Non-philological Universities (on the example of the Faculty of Technology)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСРОИЛОВА ДИЛДОРА МУХТОРОВНА

НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ
ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИКДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
ИНГЛИЗ ТИЛИГА ЎҚИТИШ
(Технология факультети мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped509 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хашимова Дилдар Уринбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Палуанова Халифа Дарибаевна
филология фанлари доктори, доцент

Мисиров Соҳибжон Абдунаттаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» октябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91; email:uzswiu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «2» октябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «2» октябрь да 11 рақамли реестр баённомаси).



Илмий даражалар берувчи
раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Х. Боқиева
Илмий кенгаш

Илмий даражалар берувчи
котиби, филол.ф.д., доцент

Х.Б. Самигова
Илмий кенгаш

Илмий даражалар берувчи
кошидаги Илмий семинар раиси, пед.ф.д.,
профессор

Л.Т. Ахмедова
Илмий кенгаш

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жамиятнинг ижтимоий буюртмасидан келиб чиқиб, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш зарурияти ҳамда ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишга бўлган эҳтиёжи дунёда тан олинган. Сиёсий ва иқтисодий соҳадаги глобаллашув давлатлараро интеграция жараёнларини сезиларли даражада кенгайтирди ҳамда инсон ижтимоий фаоллигининг янги соҳаларини яратиш билан бирга, таълим соҳасига ҳам катта таъсир кўрсатди. Жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Жазоир, Албания, Германия, Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлардаги нофилологик олий таълим муассасаларида, хусусан, техника университетларида хорижий тилларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Тил тажрибаси ва касбий таълим шароитини инобатга олиб, сифат ва самарадорликни ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида нофилологик олий ўқув юртлирида фанлараро алоқадорлик масалалари ва ўқитиш жараёнида кўникмалар интеграциясига қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, нофилологик олий таълим муассасаларида айрим фанларни инглиз тилида ўқитиш CLIL (Stand for Content and Language Integrated Learning), инглиз тили ўқитувчилари ва бошқа фан ўқитувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ЕМІ (English as a Medium of Instruction), STEM (Science, Technology, Engineering, Math) таълим шаклини жорий қилиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, ушбу хорижий тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорлик тадқиқотларни ҳамкорликда олиб бориш заруриятга айланганини изохлайди.

Ўзбекистон Республикасида етук, юқори малакали, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган чет тилларини ўқитишнинг комплекс тизими яратилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш лозимлиги»¹ каби вазифалар белгиланган. Хусусан, методик ишларни ташкил этиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, нофилологик олий таълим муассасаларининг Технология факультетларида касбга йўналтирилган инглиз тили ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва чет тилларни пухта ўзлаштирган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-o-khon-t-ra-ibrat-mazhm>. Мурожаат санаси: 16.10.2018й.

тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги 816-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда Г.Х.Боқиева, Л.Т.Аҳмедова, О.В.Кон, Ж.Ж.Жалолов, М.Джусупов, Г.Т.Маҳкамова, Д.У.Хошимова, Х.Д.Полуанова, И.М.Тўхтасинов, А.С.Мисиров каби олимларнинг хорижий тилларни ўқитиш бўйича илмий ишлари мавжуд².

Нофилологик университетлар талабаларини чет тилига ўқитиш методикаси ва фанлараро алоқадорлик масалалари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар ҳам ўрганилди. Жумладан, Г.Н.Ирмухаммедова, Н.Ж.Исакулова, Ф.Ш.Алимов, Ф.Б.Саидова, И.В.Панфёрова, Н.Х.Кушиеваларнинг ишларида ушбу масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган³. Шунингдек, Россиянинг машҳур методистлари: А.А.Миролюбов, П.И.Образцов,

²Бақиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ. – Москва; МГЛУ, 2012. – 120 с.; Аҳмедова Л.Т., Кон О.В. Методика преподавания русского языка. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. – 240с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлири (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 432с.; Джусупов М. Лингводидактика и методика в полунучной системе языкового образования // Русский язык за рубежом. – №2. Москва, 2009. – 17–23с.; Маҳкамова Г.Т. Идея прогрессивизма в обучении языку специальности: илмий-амал. конф. материал-Тошкент: 2009. – 150с.; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межязыковой взаимодействия. дис. ... док. пед. наук – Ташкент, 2007- 209с.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари: Автореф, дисс... филол. фан, док. – Тошкент, 2016. – 28б.; Мисиров С.А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишининг лингводидактик асослари. дис... кан. пед. наук-Тошкент, 2007–152с.

³ Ирмухаммедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов. (на старших курсах экономических вузов) Дис... кан. пед. наук – Ташкент, 2008- 208с.; Исакулова Н.Ж. Теория и практика формирования межпредметного экологического воспитания учащихся в процессе непрерывного образования и направления «Начальное образование» педагогических колледжей.: Автореферат... д-ра пед. наук. – Ташкент., 2012.-40с.; Тухтасинов И.М. Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.: Дис. ... д-ра пед. наук. (DSc). – Ташкент., 2018. – 203с.; Алимов Ф.Ш. Формирование письменной компетенции на английском языке (на примере нефилологических факультетов): Автореферат... док. философии (PhD). – Ташкент., 2018.-43с.; Саидова Ф.Б. Совершенствование управления качеством обучения английскому языку в технических высших образовательных учреждениях.: Автореферат. ... док. философии (PhD). – Ташкент., 2017.-45с.; Панфёрова И.В. Теоретические основы и особенности обучения английскому языку для специальных целей // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2015. №5(2). – 112-115с. Кушиева Н.Х. Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув хусусиятлари.: Автореферат. ... док. философии (PhD). – Тошкент., 2020.-49б.

Е.Н.Сололова, Р.П. Мильруд, Н.И.Гез, Д.Л.Матухин, Н.Д.Гальскова, Н.И.Гез ва А.К. Крупченколари илмий ишлари ва методик қўлланмалари ҳам ўрганилган⁴.

Х.Бастуркмэн, Т.Хатчинсон ва А.Уотерс, М.Божовик, Анна-Мария Стоика ва Ж.Чен каби чет эл тадқиқотчиларининг асарлари диққат билан кўриб чиқилди.Олимлар томонидан махсус мақсадлар учун инглиз тилини ўқитиш методикасига бағишланган бир қатор тадқиқот ишлари яратилган, уларнинг ишларида касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш, нофилологик олий ўқув юртларида талабалар билимини баҳолаш, грамматикани ўқитиш ва касбий таълимда ўқитувчининг ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган⁵.

Ҳозирда мамлакатимиздаги нофилологик олий ўқув юртларида, хусусан, технология факультетларида касбга йўналтирилган инглиз тилини фанлараро боғлиқликда ўқитиш ва ўқиш, тинглаб тушуниш, ёзув ва гапириш кўникмаларини интеграция қилиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетиде амалга оширилган А-1-41. «Касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий, анъанавий базани ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш» (2017–2019 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: нофилологик олий ўқув юртларида технология факультети талабаларини фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

технология факультети талабалари учун амалдаги таълим воситалари иш режа, ишчи дастур ва дарсликларини касбга йўналтириш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

⁴Миролюбов А.А. Методика обучения иностранным языкам // Традиции и современность.– 2010.–464с. Электронный ресурс: <https://www.labyrinth.ru/books/247362/> (дата обращения: 23.01.2018); Образцов П. И. Методология, методы и методика педагогического исследования: Учебное пособие. – Орел., 2016. – 134 с.; Сололова Е.Н. Методика обучения иностранным языкам. Базовый курс лекций — Москва.: Просвещение, 2002. — 239 с.; Мильруда Р.П. Определение понятия и сущности обучения английскому языку в специальных целях. Электронный ресурс: <https://www.iyazyki.prosv.ru> (дата обращения: 11.01.2019); Матухин Д.Л. Профессионально-ориентированное обучение иностранному языку студентов лингвистических специальностей. –Томск. Электронный ресурс: <https://www.iyazyki.prosv.ru> (дата обращения: 16.03.2018); ГальсковаН.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам // Лингводидактика и методика: учеб. пособие для студ. лингв. ун-тов и фак, ин.яз. высш. пед. учеб. заведений.– Москва., 2006.- 81с.;Крупченко А.К. Введение в профессиональную лингводидактику: Монография. – Москва: МФТИ, 2005. – 310с.

⁵Basturkmen H. Ideas and Options in English for Specific Purposes.– London and New Jersey: ESL and Applied Linguistic Professional Series:2006.–45p; Hutchison T. &Waters A. English for Specific Purposes: a learner-centered approach. –England: Cambridge University Press.– 1987.–19p; Anna–Maria STOICA. Methods for the assessment of ESP. // Universities din Pitesti/-2006. 326-329pp.; Zhaojun Chen. Grammar Learning Strategies Applied to ESP Teaching.// Department of College English Teaching, Yantai Nanshan University,China Theory and Practice in Language Studies, Vol. 6. 2016.-617-621pp. <http://dx.doi.org/10.17507/tpls.0603.23> (accepteddate 12.09.2018).

фанлараро боғлиқликда таълим мазмунини саралаш принциплари ва мезонларини, шунингдек, фанлараро боғлиқликнинг назарий ва дидактик жиҳатларини кўриб чиқиш;

коммуникация ва интеракция содир бўлишини таъминлаш мақсадида технология факультети талабаларининг касбий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда инглиз тилини ўргатиш ҳолатини таҳлил қилиш;

фанлараро билим, малака ва кўникмани ҳисобга олиш заруриятини кўрсатиш ва танланган материал асосида тажриба-синов ишларини ташкил этиш;

олий ўқув юртларининг технология факультети, муайян йўналишдаги саноат корхоналари ҳамда инглиз тили кафедраси ўртасида ижобий ҳамкорликнинг истиқболларини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий ўқув юртларининг технология факультетларида касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети технология факультетларида инглиз тилини ўқитишнинг касбга йўналтирилганлиги, ўқув жараёнини ташкил этишда фанлараро боғлиқлик масалалари, таълим мазмуни, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш), диагностик (сўровлар, сухбат, сўровнома, кузатиш), прогнозтик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта тиклаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

талабаларга инновацион педагогик технологиялар ёрдамида, самарали машқлар тизимини интегратив ёндашув асосида шакллантириш орқали, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

инглиз тили ўқитишда касбга йўналтирилган инглиз тили ва касбий лингводидактика кесимида таълим мазмунини талабалар қобилияти, имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб танлаш лозимлиги илмий асослаб берилган;

тўрт ўқув йилига мўлжалланган 4 босқичли, яъни умумтаълим фанлари + инглиз тили (биринчи босқич, I курс), умумкасбий фанлар + инглиз тили (иккинчи босқич, II курс), умумтехник фанлар + инглиз тили (учинчи босқич, III курс), умуммаҳсус фанлар + инглиз тили (тўртинчи босқич, IV курс) шаклидаги дарсларни ташкил этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

нофилологик олий таълим муассасаларида касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш, мавзуга доир ўқитиш материалларини тўғри танлаш, ESP (English for Specific Purposes) ва GE (General English) йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, EOP (English for Occupational Purposes) мутахассисликка мослигини мувофиқлаштирган ҳолда методикага “Эҳтиёжлар майдони (Field of needs)” - янги атама таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш учун кўникмалар интеграциясига асосланган «Welding Technology» ўқув қўлланмаси яратилган;

технология факультетларида фанлараро боғлиқликда, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишнинг узлуксиз тизими схемаси ва дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

нофилологик йўналиш талабаларининг эҳтиёжларини инобатга олиб, инглиз тили ўқитувчисининг ўрни ва техника фанларини инглиз тилида ўқитиш каби қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилган методиканинг назарий жиҳатлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари асосида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти хорижий тилларни инновацион методлар асосида ўқитиш жараёнида, фанлараро боғлиқлик ва кўникмалар интеграцияси ёрдамида талабаларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришда ҳамда нофилологик олий таълим муассасаларининг технология йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг касбга йўналтирилганлик ҳолати такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти, тил ўргатишнинг инновацион методларга асосланган самарали усуллари, машқ ва топшириқлар тизими, методик ва дидактик таъминотидан ишлаб чиқариш корхоналарига мақсадли тарзда юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, чет тили ўқитувчилари малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларда ҳамда шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нофилологик олий таълим муассасаларининг технология факультетларида касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитишда ўтказилган илмий тадқиқот ишининг таҳлил натижалари асосида:

назария ва амалиёт бирлиги, дидактик материаллар интеграцияси, танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга доир амалий ва назарий хулосалардан TuСАНЕА, яъни “Project Towards a Central Asian Higher Education Area: Tuning Structures and Building Quality Culture” мавзусида амалга оширилган лойиҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларда олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги асосида мутахассислар тайёрлаш механизмини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 89-03-4452-сон маълумотномаси). Натижада, нофилологик олий ўқув юртларида фанлараро боғлиқлик, касбий лингводидактиканинг аспектларини ўрганиш, талабаларнинг эҳтиёжлари асосида материалларни танлаб олиш ҳамда

кўникмалар интеграциясини қўллаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга хизмат қилган;

технология факультетларида инглиз тилини ўқитишда умумтаълим, умумкасбий, умумтехник ва умумихтисослик фанларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишга доир илмий ва назарий тадқиқот материалларидан «STEM» SUZ800-14-GR-102 «Талабалар учун инглиз тили фан, технология, муҳандислик ва математика» АҚШ лойиҳасида қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 89-03-3308-сон маълумотномаси). Натижада, технология факультетлари 1- ва 2-босқич талабаларининг касбга йўналтирилган инглиз тилида илмий изланишлар олиб бориш, хорижий (инглиз тилидаги) адабиёт, электрон ресурслардан эркин фойдалана олиш ва маълумотларни таҳлил этиш самародорлигининг оширилишига имкон яратилган;

касбга йўналтирилган инглиз тилини шакллантириш ва фанлараро боғлиқликда технология факультети талабаларининг ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзув кўникмаларини интеграциялашга қаратилган «Welding Technology» ўқув қўлланмаси нашр қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, 654-103 рақамли гувоҳномаси). Натижада, технология факультети талабаларининг инглиз тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, ёзув ва нутқ қобилиятларини янада ривожлантириши ва касбий билимини оширишга хизмат қилган;

«Welding Technology» ўқув қўлланмасида таклиф этилган дидактик материаллардан Ўзбекистон Республикаси «УзАвто Моторс» АЖ Ходимларни бошқариш дирекцияси, Ходимларни ривожлантириш бўлими, Ўқитишни ташкил қилиш ва назорати бўлинмасида интерфаол машғулотларни ташкил этиш ва мутахассисларнинг инглиз тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзув кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси «УзАвто Моторс» акциядорлик компаниясининг 2019 йил 20 августдаги 11230-3032-сон маълумотномаси). Натижада, муайян йўналишдаги саноат корхоналари ҳамда инглиз тили кафедраси ўртасида ижобий ҳамкорликка ва ходимларнинг касбий инглиз тилини билиш даражасини оширишга эришилган;

ЕОР (English for Occupational Purposes) талабаларига инглиз тили ўқитишда таълим мазмунини танлаш ва ўқув жараёнини тўғри ташкил қилишда ESP (English for Specific Purposes) касбга йўналтирилган инглиз тили ва GE (General English) умумий мақсадлар учун мўлжалланган инглиз тили йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда методикага “Эҳтиёжлар майдони (Field of needs)” янги атамаси таклиф қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 ноябрдаги 89-03-3887-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг инглиз тилида эркин мулоқот қила олиш, мутахассисликка мос коммуникатив компетентлигини ошириш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкони яратилган;

технология факультети талабаларига касбга йўналтирилган инглиз тили ўқитишнинг педагогик, методологик ва психологик хусусиятлари тўғрисидаги

назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O`zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган, «Таълим ва тараққиёт», «Бедорлик» номли эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган. («O`zbekiston» телерадиоканалининг 2019 йил 16 майдаги O`z/k-1-93-сон маълумотномаси). Натижада, касбий лингвистик компетенциялар эгалланишига хизмат қилувчи машқларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ҳамда коммуникация ва интеракцияга эришиш, янги педагогик технологияларини қўллаш методикаси оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш ва 1 та ўқув қўлланма, шу жумладан, 3 та илмий мақола, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола (2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Нофилологик олий таълим муассасаларининг технология факультетларида инглиз тили ўқитишда таълим мазмунини танлашнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида инглиз тили ўқитишнинг асосий мезонлари ўрганиб чиқилди, фанлараро боғлиқлик тушунчалари очиб берилди, амалий машғулотларда назария ва амалиёт бирлиги, яъни турли саноат корхоналарида талабалар малакавий амалиётини ташкил қилиш зарурияти асосланди. Бундан ташқари, касбий лингводидактиканинг баъзи масалалари ва фанлар ўртасида интеграциялашув зарурлиги ўрганилди. Олимларнинг касбга йўналтирилганлик бўйича илмий ишлари муҳокама этилиб, мамлакатимиз ва чет элда бу борада амалга оширилаётган лойиҳалар таҳлил қилинди. Ўқув жараёнини ташкил этишда бўлажак мутахассис учун зарур бўлган материалларни танлаш касбий фаолиятга муносиб бўлиши алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга, фанлараро алоқаларнинг конструктив,

шакллантирувчи ва ташкилий функциялари батафсил кўриб чиқилди. Ўқитувчи таълим мазмунини танлашда фақат инглиз тили фанини бошқа фанлар билан боғлабгина қолмай, балки бир-бирига турдош фанлар ўртасидаги боғлиқликни ҳам ҳисобга олиши лозимлиги баён этилган. Касбий лингводидактика деб номланувчи таълимни шакллантириш ва ўрганилаётган тиллар тизимларини идрок этиш яхлитлигини таъминлайдиган фундаментал лингвометодологик дунёқарашни яратиш зарурати кўрсатилган.

Нофилологик йўналишда таҳсил олаётган талабаларга инглиз тилини ўргатиш самарадорлигига бевосита таъсир қилувчи психолингвистик омиллар мавжуд. Талабаларни чет тилида сўзлашишга ўргатиш, сўзлашув жараёнида ўрганилган билиминини қўллай олишида, эгалланаётган нутқни ривожлантиришнинг асосий психолингвистик омилларини ҳисобга олиш муҳим. А.А. Леонтьев, А.Н Леонтьев, И.А. Зимняя, Р.М.Фрумкина ва бошқа олимларнинг ишларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш жараёнида талабаларнинг касбий йўналтирилганлиги бўйича ўхшаш хулосалар аниқланди. Улардан бири - Д.Л.Матухиннинг концепцияси: «Касбга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у талабаларнинг эҳтиёжлари асосида чет тилини ўргатади, келгусида эгалланаётган касбни ёки соҳани ўрганиш ҳам талаб қилинади.»⁶ Ушбу фикрнинг амалий исботи сифатида тадқиқот жараёнида Андижон машинасозлик институти Муҳандислик технологияси факультети талабалари ўртасида сўровнома ўтказилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, касбга йўналтирилган ҳолда хорижий тилни ўргатиш ижобий натижа берди. Деярли, барча талабалар (95% респондентлар) келгусида инглиз тили амалий машғулоти давомида ўз ихтисосликларига кўпроқ эътибор қаратилишини, инглиз тилида ўз мутахассисликларига оид сўз ва атамалар ўргатилишини ва бу билимлар келажакдаги профессионал фаолиятида жуда муҳимлигини таъкидлашди.

Инглиз тили ўқитишда таълим мазмунининг методологик жиҳатлари Европа Кенгашининг 2012 йил «Чет тилларни билиш умумевропа компетенцияларини: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш» бўйича Ўзбекистонда қабул қилинган давлат дастурига таянган ҳолда иш олиб борилди. Талабаларни инглиз тилига ўқитиш ва уларнинг билимларини баҳолаш учун Андижон машинасозлик институтининг пайвандлаш технологияси йўналиши талабалари мисолида назарий ва амалий асослар таклиф қилинди. Бунда махсус амалий машғулотлар ва машқларни бажаришда «бажариш орқали ўрганиш» тамойилига амал қилинди. Минтақавий талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда хорижий тилларни ўқитиш учун ўз методикамизни яратиш зарурати нофилологик олий ўқув юрларида ўқитишнинг турли жиҳатларига эътибор бериш лозимлигини англатади. Инглиз тилини ўқитишда дарсни уч асосий қисмга: лексик мавзу, грамматик қобилият ва фонетик машқлар тўпламига ажратиш мақсадга мувофиқ. Лексик қисмида мутахассислик бўйича тегишли матн танланади, керакли янги сўз ва иборалар матннинг қуйида келтирилади. Масалан, «*Types of welding*»

⁶Матухин Д.Л.Особенности обучения иноязычному общению студентов нелингвистических специальностей на основе коммуникативного подхода. Методика преподавания иностранного языка, Томск,2011. - С.35.(муаллиф таржимаси)

мавзусига доир матн, керакли сўз ва иборалар танланади: *Resistance welding* (Ишқалаб пайвандлаш), *Ultrasonic welding* (Ультратовушли пайвандлаш), *Gas pressure welding* (Газ алангасида пайвандлаш), *Explosion pressure welding* (Портлатиб пайвандлаш), *Submerge Arc welding* (Сув остида ёйли пайвандлаш). Дарснинг грамматик қисмида, сифат даражалари (*Degrees of adjectives*) ўрганилади ва қиёсланади, чунки бу мавзу морфологик хусусияти билан танланган матнга, яъни лексик қисмга яқин. Пайвандлаш турлари билан танишиб бўлгандан сўнг талабалар сифатнинг қиёсий даражасидан фойдаланган ҳолда гаплар тузишлари мумкин, яъни айти пайтда, қайси пайвандлаш турининг самарадорлиги камроқ ёки кўпроқ. Масалан: 1) *Ultrasonic welding is more useful for joining dissimilar materials.* (Ультратовушли пайвандлаш турли таркибдаги материалларни пайвандлашда самаралироқ усулду) 2) *Resistance spot welding is the most effective for robot automatization.* (Нуқтали контактли пайвандлаш автоматлаштирилган пайвандлаш турларининг энг самаралиси) Бунда лексик кўникма ва грамматик қобилият ўртасидаги узвийлик таъминланади. Фонетик машқлар учун ундош товуш [z] танланади. Масалан: [z]- zip, -[z]- frozen, -[z] has. Эшитиш қобилиятини ривожлантириш учун ўқиш ва гапиришда ушбу ундош товуш иштирок этган сўз ва ибораларни тўғри талаффуз қилиш ва тинглаш жоиз. Ушбу турдаги дарсни ташкил қилиш орқали, аввало, кўникмалар – ўқиб тушуниш, ёзув, тинглаб тушуниш ва гапира олиш интеграциясини таъминлаш мумкин. Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг сўз бойлигини ошириш ва соҳавий терминологиясини бойитишда гапларни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантиришга, алоҳида аҳамият бериш керак. Шундай қилиб, тил материалларини ўрганишда тилшуносликнинг барча компетенция талабларини ўзлаштириш мумкин. Таълим жараёнида адолатли баҳо ҳам муҳим роль ўйнайди. Бизнинг фикримизча, рубрикалар ёрдамида баҳолаш, талабаларнинг билимларини баҳолашда тўғри услублардан бири бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Нофилологик олий таълим муассасаларининг технология факультетларида касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда фанлараро боғлиқлик»** деб номланади. Ҳозирги тенденциялар ва янги истиқболлар нофилологик олий ўқув юртлирида чет тили ўқитувчилари учун маълум талаблар қўйди. Кўплаб олимлар фанларни ўрганишда интеграциядан оқилона фойдаланиш кераклиги ҳақидаги фикрларни ўртага ташладилар, чунки фанларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Янги маълумотларни тушунтираётганда, бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда дарсни ташкил қилиш керак, чунки бир хиллик ўзини оқламайди ва амалиётдан маълум бўлганидек, бир фан қайсидир даражада бошқа фан билан узвий боғлиқ. Сўзларимизнинг тасдиғи сифатида биз М.Н. Харченконинг фикрларини келтирамиз: “ўқув фанларни ўрганиш жараёнида бир ихтисослик бошқа йўналишлар учун «замин» тайёрлайди; бундай «заминларнинг» аҳамияти тушунчалар тизими орқали амалга оширилади”.⁷ Бир фаннинг

⁷Харченко М.Н. Использование межпредметных связей для создания системы заданий по физике. Житомирский государственный университет, 2013. NR. 4 (36). С- 233(муаллиф таржимаси)

бошқа илмий фанлар билан интеграциялашуви нафақат ўқув жараёнининг сифатини, шунингдек, ўқитувчи ва талабаларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга ёрдам беради, таълимнинг энг муҳим вазифасини ҳам ҳал этади. Фанлараро боғлиқлик асосида талабаларнинг ахборот маданиятини ривожлантиришга эришилади. Кўпинча, “компьютер фанлари ва инглиз тили”, “тарих ва инглиз тили”, “иқтисод ва инглиз тили”, гуманитар мутахассисликлар ва табиий фанлар соҳасидаги билимлар ўртасида интеграцион алоқалар ва турли комбинациялар мавжуд. “Физика ва астрономия”, “биология ва экология”, “физика ва математика”, “тарих ва ижтимоий фанлар” каби фанларнинг ўзаро интеграциясини ҳам кўриш мумкин. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, фанлараро боғлиқликнинг бешта асосий функцияси мавжуд: методик, таълимий, ривожлантирувчи, тарбиявий ва функционал. Мазкур функциялар асосида техник фанларнинг ўзаро ўқув жараёнидаги боғланишлари ва технология факультети талабаларини касбий инглиз тилини ўқитишда фанлар ўртасидаги боғлиқлик нуқталари чизмачилик, физика, материаллар қаршилиги, назарий механика мисолида тадқиқ этилди. Инглиз тили ўқитувчиси таълим мазмунини танлашда ва ўқув жараёнини ташкил қилишда техник фанларининг ўзаро интеграциясини ҳисобга олиши керак. Агар биз “назарий механика”ни, юқорида айтиб ўтилганидек, асосий фан сифатида кўриб чиқсак, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратишимиз ва шу асосда тегишли материаллар ва мос терминларни танлашимиз мумкин. Олий таълимда назарий механика асосий фан бўлиб келган ва шундай давом этаяпти, унинг асосини ташкил этган турли техник муаммолар бугунги кунда ўз ечимини топмоқда.⁸

Кўплаб олимларнинг фикрига кўра, умумий мақсадлар (GE) ва махсус мақсадлар учун (ESP) инглиз тили ўқитувчилари ўртасида фарқ бўлиб, умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тили ўқитувчисининг (GE) вазифаси маърузалар ўқиш билан чекланган бўлса, инглиз тилини махсус мақсадлар учун ўқитиш йўналиши (ESP) пайдо бўлганида бу тушунча ҳам ўзгарди. Ўқитувчининг бу борадаги ўрни нафақат анъанавий усулда ўқитиш, балки ўқув жараёнида бошқа махсус фанларни ҳам ҳисобга олиш билан белгиланади. ESP (махсус мақсадлар учун инглиз тили) – шу қадар кенг майдонки, унинг барча томонларини дарҳол ўрганиб бўлмайди. Бундан ташқари, касбга йўналтирилган инглиз тили (EOP) пайдо бўлганидан бери ўқитувчи мақомидаги туб ўзгаришни ҳам таъкидлаш керак.⁹ Касбга йўналтирилган инглиз тили ўқитувчисининг иши EOP талабаларининг эҳтиёжларига қаратилганлиги сабабли унинг асосий мақсади бу эҳтиёжларни қондиришдир.

Анджон машинасозлик институти Автоматлаштириш ва электромеханика йўналишида таҳсил олувчи иккинчи босқич талабаларга ўтиладиган инглиз тили дарслари таҳлили натижасида маълум бўлдики, асосан, янги сўзларга урғу

⁸Мещерский И.В. Динамика точки переменной массы. <https://prosopromat.ru> (мурожаат куни 18.10.2018) (муаллиф таржимаси)

⁹William Littlewood Developing a Context-Sensitive Pedagogy for Communication-Oriented Language Teaching.2013.22p (муаллиф таржимаси)

берилиши талабаларда норозилик туғдирди. Талабаларнинг фақат янги сўз ва ибораларни ўрганиши ёки маъносини ёд олиши улар учун етарли эмас эди. Ўрганувчилар инглиз тилида мулоқот қилишни исташларини таъкидлайдилар. Талабалар Technical English китобидаги расмлар ва чизмалардан фойдаланиб, гап тузишганида кўплаб грамматик ва лексик шунингдек, фонологик хатоларга йўл қўйишди. Юқорида айтиб ўтилганидек, касбга йўналтирилган инглиз тили EOP ва умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тили GE ўртасида фарк мавжуд, лекин касбга йўналтирилган инглиз тили билан умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тили ўзаро боғлиқ бўлиб, бу икки аспект бир-бирини тўлдиради. Юқорида айтиб ўтилганидек, касбга йўналтирилган инглиз тили EOP ва умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тили GE ўртасида фарклар мавжуд, лекин касбга йўналтирилган инглиз тили билан умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тили ўзаро боғлиқ бўлиб, бу икки аспект бир-бирини тўлдиради. Тадқиқотчилар фикрига кўра, GE - умумий ғояларни ўргатиш, имтиҳонларга ва грамматикани билиш учун йўналтирилган, EOP эса касбга йўналтирилган таълимга қаратилган, аммо GE ни тушунмасдан, EOP да мулоқот қилиш кўникмаларини намоёниш этиш мумкин эмас. Талаба умумий мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини билмай туриб, касбга йўналтирилган инглиз тилида мулоқот қилиш қобилиятини намоёниш қила олмайди.

Венн диаграммаси ёрдамида биз ўз диаграммамизни яратишга ҳаракат қилдик ва уни «икки аспектнинг кесишиш диаграммаси» деб номладик ва муаммони қуйидагича шарҳлашдик: EOP ва GE йўналишларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда айланаларнинг кесишиш нуқталари ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган кичик айлана «Field of Needs» - «эҳтиёжлар майдони» деб номланди. EOP ва GE бирикиб талабаларнинг қийинчиликлари пайдо бўлган маконни юзага келтиради. Амалиётда ушбу жараён жуда аниқ намоён бўлади. Дарсни ташкил этишда ўқитувчи «эҳтиёжлар майдони»га эътибор қаратиши ва керакли материалларни танлашда унга қатъий амал қилиши керак¹⁰ (1-расм).



1-расм. Икки аспектнинг кесишиш диаграммаси

¹⁰ Исроилова Д.М. Организация и проведение «Специального курса» по обучению профессионально ориентированного языка в отделении магистратуры. //Eastern European Scientific Journal. –Germany,2018.– №6.–P. 155-161

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (20 апрель 2017 йил) асосида Андижон машинасозлик институтида «5+1» модели 1 та олий ўқув юрти (Андижон машинасозлик институти), 5 таси корхоналар (Андижон механика заводи, Уз Донг Янг ко, Тож металл, Уз-Семунг ко ва УзАвто Моторс) ишлаб чиқилди. Бу модель талабаларнинг ўқув-амалий фаолиятига асосланган бўлиб дастур назарий билим ва кўникмаларни амалиётнинг барча соҳаларига жорий қилиш, шунингдек, юқори малакали кадрларни тайёрлашни назарда тутди. Ушбу моделдаги таълимнинг ўқиш ва ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда, талабанинг амалий фаолияти билан бевосита боғлиқлигини изоҳлаш мумкин. (5+1) – олий таълим муассасаси ва ишлаб чиқариш корхонаси билан узлуксизлик ва изчилликни ҳисобга олган ҳолда, янги педагогик усуллардан фойдаланиб ўқитишга мўлжалланган ҳамкорлик тизимидир. Агар илм-фан, таълим ва саноат кадрлар тайёрлашда бирлаштирилса, келажакда нафақат мутахассислик фанлари бўйича, балки чет тилларини ўқитишда ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин. Касбга йўналтирилган инглиз тилини ўргатиш жараёнида, талабалар махсус матнларга, шу жумладан, нутқий компетенцияларнинг барча турларига таяндилар. Лексик материаллар ва нутқий вазиятлар, ўз навбатида, бизга махсус мавзуларни тақдим этади. Ва мавзуларнинг хилма-хиллиги фанлараро боғлиқликдан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратади.

Мазмун-моҳиятига кўра фанлараро боғлиқлик қуйидаги йўналишларга бўлинади:

1. Далиллар асосидаги боғлиқлик.
2. Тушунчалар асосидаги боғлиқлик.
3. Назарий асослар бўйича боғлиқлик.
4. Фалсафий боғлиқлик.
5. Мафкуравий боғлиқлик¹¹

Фанлараро фактлар асосидаги алоқадорликни ҳисобга олган ҳолда, «*Welding Technology*» дарслигининг «*Welding Science and other subjects*» мавзуси турли терминлардан фойдаланиб, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш материаллари тайёрланди.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш таклиф қилинди:

- 1) ҳар бир фан ўз мустақиллигини таъминлаши керак;
- 2) фанлар ўртасидаги боғлиқлик мунтазам бўлиши керак;
- 3) барча ўқув жараёнини қамраб олиши керак;
- 4) илгари олинган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак.

Биз қуйида иккита аҳамиятли бўлган хусусиятларни қўшишни таклиф қиламиз:

- 1) тафаккурни ривожлантиришга ундаши керак;

¹¹Максимова В. Н. Сущность и функции межпредметных связей в целостном процессе обучения: дис. ... д-ра пед. наук. Л., 1981. 446 с. (муаллиф таржимаси)

2) ақлий фаолиятни фаоллаштириши керак.

Ўрганилган маълумотлар ёрдамида биз тақлифларимизни қуйидагича асослаймиз. Биринчи курсда технология факультетларида математика, физика, кимё, ва экология каби умумтаълим фанлари ўқитилади. Касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш учун таълим мазмунини танлашда биз ушбу фанларга мурожаат қилишимиз ва умумтаълим фанларини ҳисобга олган ҳолда материал танлашимиз керак. Умумтаълим фанларининг инглиз тили билан интеграциялашуви биринчи курсда, яхши натижа беради, чунки физика, кимё, экология фанлари узлуксиз ўқитилгани бугун инглиз тили ушбу фанлар билан боғланса, талабаларга қийинчилик туғдирмайди. Албатта, ўқув дастурига кўра, ушбу фанлар биринчи курсда янада чуқур ўрганилади. Иккинчи йилда инглиз тилини умумкасбий фанлар билан боғлаган ҳолда ўқитиш тақлиф қилинади. Фикримизча, талабалар биринчи босқичда умумкасбий билимларни ўз она тилида ўрганишади, иккинчи босқичда умумкасбий билимларни инглиз тили билан боғлаган тарзда ўқитилиши самарали усул бўлиб, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш жараёнида яхши натижа беради. Муҳандислик графикаси, материалшунослик, гидравлика, компьютер дизайни, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги каби умумкасбий фанларни босқичма-босқич ўқитиш ва таълим мазмунини танлашда ушбу кетма-кетлик ҳисобга олиниши керак.

Учинчи йилда назарий механика, материалларнинг қаршилиги, машина қисмлари ва машиналар механизмлари назарияси каби умумтехник фанлар касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Уч йил давомида барча соҳа йўналишлари бир хил фанлар кесимида таҳсил олишади, тўртинчи ўқув йилида ҳар бир йўналиш ўз мутахассислиги доирасида касбий инглиз тили ўрганади.

Тўртинчи курсда, умумихтисослик фанлари, касбга йўналтирилган инглиз тили ўқитишнинг асосий мақсади сифатида ишлатилиши мумкин. Технология факультетининг ТМЖ (Технологик машиналар ва жиҳозлар) йўналиши учун умумихтисослик фанлари пайвандлаш назарияси, пайвандлашнинг сифати, назорат ва сифат, машина ва жиҳозлар дефектологияси ва таъмирлаш назарияси бўлиб, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда инobatга олиниши керак.


Диссертациянинг **«Касбга йўналтирилган инглиз тили ўқитишда малака ва кўникмаларни шакллантириш бўйича тадқиқот ишларини ташкил этиш»** деб номланган учинчи бобда таълим, саноат, савдо ва инвестицияларни жалб қилиш, давлатлараро ўртасидаги қўшма шартномалар тузилиши нофилологик университетларда касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишни такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқишни тақозо қилаётган муаммолар таҳлил қилинган. Нофилологик таълим муассасаларида ишлаш жараёнида турли хил фанларнинг таркибига диққат қилиш ва техника университетларининг илмий–услугий мажмуаларини синчковлик билан таҳлил қилиш ва касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш жараёнида фанлараро интеграцияни ҳисобга олиш зарур.

Фанлааро алоқадорлик – бу ўқитувчи ёки талабанинг когнитив фаолият жараёнида ўрнатадиган ва маълум бир муаммони чуқур англашга, шунингдек, билимларни амалда самарали қўллаш мақсадида ўрнатилган мавзулар ўртасидаги боғлиқлик.¹² Ҳозирги таълимнинг ҳолати ва адабиётлар таҳлили, ўқитувчиларнинг касбга йўналтирилган инглиз тилини ўргатишдаги тажрибаси етарли эмаслиги, шунингдек чет тилида сўзлашадиган мутахассисга бўлган юқори ижтимоий ва минтақавий эҳтиёж, тадқиқот муаммосининг долзарб эканлиги ва мақбул ечим талаб қилинишига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш имконини берди.

Тажриба ишлари Андижон машинасозлик институти, Фарғона политехника институти ва Наманган қурилиш ва муҳандислик институтининг технология факультетларида олиб борилди ва бу босқичда 270 нафар учинчи босқич талабалари жалб қилинди. (2-расм). Технология факультети «Машинасозлик технологияси ва жихозлари» йўналиши талабалари учун мўлжалланган «*Welding Technology*» китоби амалиётда қўлланилди (экспериментал гуруҳларда). Танлаб олинган материаллар амалиётга тадбиқ этилди ва мутахассислар таклифлари ҳисобга олинди, шунингдек тавсия этилган машқларнинг самарадорлиги ва ушбу йўналишнинг ўқув дастурига мувофиқлиги текширилди.

Иш уч босқичда амалга оширилди: биринчи босқичда (2016–2017 йиллар) технология факультетларида (Машинасозлик технологияси ва жихозлари) инглиз тилини ўқитиш ва жорий қилиш муаммолари ҳолати ўрганилди. Экспериментнинг аниқлаштириш босқичида сўровнома ўтказилди, шунингдек, ушбу масала бўйича ихтисослаштирилган адабиётлар ва мавжуд ўқув қўлланмалар, ўқитувчилар томонидан касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш даражаси ва инглиз тили билан фанлараро алоқадорликни ва турдош фанларнинг интеграциясини амалда қўллашга тайёрлик даражалари ўрганилди.


Дастлабки сўровномалар бўйича ўтказилган таҳлил натижалари.



2-расм. Дастлабки босқич. Сўровнома натижалари.

¹²Дьяченко Е.И. Межпредметные связи в образовательной области // Обществознание. –М.2012.-№3-С.23-24 (муаллиф таржимаси)

Иккинчи босқичда (2017-2018) қуйидаги назарий тадқиқотлар олиб борилди: ўқув дастурлари синчковлик билан ўрганилди, техник мутахассисликлар талабаларига инглиз тилини профессионал равишда ўқитишга мўлжалланган ўқув дастурлари ва тақвим режалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар таҳлил қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, нафақат инглиз тили ўқув дастурини балки «Механика назарияси», «Материалшунослик», «Материаллар қаршилиги», «Пайвандлаш назарияси», «Машиналар ва жиҳозлар технологияси» каби махсус фанлар бўйича ўқув дастурлари мазмунини ҳам кўриб чиқилди. Техник олий таълим муассасаларида касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш учун умумий стратегия аниқланди ва тажриба ўтказиш бўйича иш режаси ишлаб чиқилди. Андижон машинасозлик институти Технология факультетининг 115, 117, 198 ва 199- гуруҳ талабалари ўртасида (96 нафар талаба) сўровнома ўтказилди. Фарғона политехника институти ТМЖ 22-15, 26-15 ва ТМС 27-15, 23-15 йўналишларида ўтказилган сўровномада 89 нафар талаба иштирок этди. Наманган қурилиш институтида 85 нафар талаба (ТМЖ 114, ТМЖ 115, ТМС 118, ТМС 119-гуруҳлари) қатнашди. Талабаларнинг махсус инглиз тили малакаси даражасини аниқлаш учун ўтказилган диагностик тестлар натижаси шунини кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги (270 тадан) назорат ва тажриба гуруҳлари бўйича касбга йўналтирилган инглиз тилида маълумот ва кўникмаларга етарли даражада эга эмас (3-расм).



3-расм. Дастлабки босқич тест натижалари

